


---

## БИРГА БУ СИНОВНИ ЕНГАМИЗ!



### БИРГА БУ СИНОВНИ ЕНГАМИЗ!

Бутун дунё синовли даврда яшаётган бир пайтда мўхтарам Юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев барчамизни бирдамлик, жипсликка ундаб, бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлиб, кўринмас душманни енгишга чорламоқдалар ва соғлиғимизни сақлаш учун жон куйдирмоқдалар.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқувчиларимизнинг таълим олишида узилиш бўлмаслиги, уларнинг уйда турган ҳолда тизимли равишда билим олишлари учун 30 мартдан бошлаб ташкилланган онлайн дарслар нафақат ўқитувчиларни, балки ота-оналарни ҳам хурсанд қилмоқда.

Халқимиз учун берилган қисқа синовли кунларда туну-кун тиним билмай меҳнат қилаётган барча инсонларга, дарс ўтаётган ўз фанининг усталари бўлмиш педагогларимизга, дарс жараёнларини бенуқсон эфирга узатаётган телевидиние ходимлари жамоасига ташаккур айтаман.

Онлайн дарсларни кузатиб боряпман. Бу дарсларни республикамызда ўз тажрибаси орқали барча педагогларга ўрнак бўла оладиган, ўз фанининг ҳақиқий эгалари бўлмиш малакали ўқитувчилар томонидан олиб борилаётганига ишонч хосил қилдим.

“Таълим соҳасининг забардаст аскарлари”га ўз миннатдорчилигимни билдираман. Чунки улар ўзларининг фидоийликлари ва жасоратлари билан ҳеч бир ҳавф таълимда узилиш қила олмаслигини исботламоқдалар. Шундай фидоий инсонлар бор экан, юртимиз янада гуллаб яшнайди, таълим соҳаси ривожланаверади.

Мўхтарам Юртбошимизни ва унинг атрофида бирлашган бутун халқимизни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин. Ҳеч қандай вирус бизни ўз йўлимиздан оғиштира олмайди.

